

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАТКАРИМОВ ЗОХИДЖОН ТУРДАЛИЕВИЧ

**ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ АМАЛИЁТИНИНГ БЕВОСИТА ВА УЗОҚ
МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛУВЧИ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР**

14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Маткаримов Зоҳиджон Турдалиевич

Яқин қариндошлар ўртасидаги буйрак трансплантацияси амалиётининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини башорат қилувчи концептуал асослар..... 3

Маткаримов Зоҳиджон Турдалиевич

Концептуальные основы прогнозирования непосредственных и отдаленных результатов родственной трансплантации почки 33

Matkarimov Zohidjon Turdaliyevich

Conceptual foundations for predicting immediate and long-term results of related kidney transplantation 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАТКАРИМОВ ЗОХИДЖОН ТУРДАЛИЕВИЧ

**ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ АМАЛИЁТИНИНГ БЕВОСИТА ВА УЗОҚ
МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛУВЧИ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР**

14.00.32 – Трансплантология ва сунъий аъзолар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Tib773 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шаршаткин Алексей Вячеславович,
тиббиёт фанлари доктори (Россия Федерацияси)

Ақбаров Миршавкат Миролимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акалаев Рустам Нурмухамедович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

“М.Ф. Владимирский номидаги Москва вилояти илмий-тадқиқот клиник институти” Москва вилояти Давлат бюджет соғлиқни сақлаш муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (193-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

У.М. Махмудов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши
қошидаги илмий семинари раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунга келиб, буйрак трансплантацияси (БТ) олтин стандарт сифатида тан олинган ва сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) бўлган беморларнинг ҳаёт давомийлиги ва сифати бўйича оптимал натижаларни белгилашига шубҳа йўқ¹. 2022-йилда дунё бўйича 102122 та БТ амалга оширилган ва улардан 39617 тасида буйрак тирик донорлардан кўчириб ўтказилган. Оптималлаштирилган жарроҳлик техникасини ва иммуносупрессияни танлаш беморларнинг ҳаёт сифатини, ҳамда сўнгги ўн йилликларда аллотрансплантатнинг яшовчанлигини яхшилади. Қўшма Штатларда буйрак аллотрансплантатининг бир йиллик ва беш йиллик яшовчанлик даражаси мос равишда 93,4% ва 72,4% ни ташкил қилади. Трансплантология ривожланишининг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлардан бири трансплантация учун тирик донорлардан олинадиган аъзолар тизимини такомиллаштириш ва шу билан бирга жаҳон амалиётида трансплантация парваришини янада ривожлантириш учун манба яратишдир. Агар мурдадан олиган орган донорлиги билан боғлиқ ҳолда, глобал орган донорлигини мувофиқлаштириш тизимининг тажрибаси ва муваффақиятлари шубҳасиз бўлса ва ушбу дастур фақат қуйи босқичда амалга оширилаётган ҳудудларда қўлланилиши мумкин бўлса, унда тўпланган тажриба ва баҳолашни ҳисобга олган ҳолда тирик донордан трансплантация қилишда реципиентга нисбатан ҳам, донорга нисбатан ҳам ҳаёт сифати мезонлари, узоқ муддатли прогноз фаол ривожланишда давом этмоқда. Масалан, тирик орган донорлигида "ёш ва жинс жиҳатларининг таъсири, қариндошлик даражаси, донор-реципиент жуфтлигидаги HLA ва ABO тизими ўртасидаги тафовутнинг таъсири ва БТ нинг операциядан кейин трансплантат ва беморнинг яшовчанлиги учун мумкин бўлган афзалликларини баҳолаш" билан боғлиқ масалалар долзарблигича қолмоқда². Шу муносабат билан ушбу соҳадаги тадқиқотлар энг долзарб ҳисобланади ва уни давом эттиришни талаб этади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда буйракнинг ўткир шикастланиши ҳавфи ва натижаларидаги гендер фарқларини ўрганиш, узоқ муддатли трансплантация натижаларини яхшилаш ва иммунитетга боғлиқ микро РНК лар ролини аниқлашга қаратилган кўп марказли тадқиқотлар жаҳон амалиётида энг долзарб бўлиб қолмоқда ва заифлашган ва иммунитет танқислиги бўлган беморлар учун буйракнинг роботлашган трансплантациясини (РАКТ) такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари буйрак трансплантацияси билан боғлиқ беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги

¹GODT – Global Observatory on Donation and Transplantation. Organ Donation and Transplantation Activities. September 2023.

²Bellini MI et al. How good is a living donor? Systematic review and meta-analysis of the effect of donor demographics on post kidney transplant outcomes. J Nephrol. 2022 Apr;35(3):807-820. doi: 10.1007/s40620-021-01231-7.

Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бўйича етти устувор йўналиш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан БТ нинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли жарроҳлик ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан биридир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-6-сон " Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган бошқа меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Сурункали буйрак касаллиги ва сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, шу жумладан Division of Urology and Transplantation, Rutgers New Jersey Medical School (Newark, USA), Division of Transplantation and Kidney Diseases, Lahey Hospital and Medical Center (Burlington, USA), Department of Medicine, Division of Nephrology, Columbia

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. Қонунчилик ҳужжатлари тўплами.

⁴Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: PubMed, Web of Science, Embase, Google Scholar. University of Oxford, UNOS, США September 2023, GODT – Global Observatory on Donation and Transplantation. Organ Donation and Transplantation Activities. September 2023, World Transplant Registry reports /Accessed 26 Jul 2023 <https://www.lamocloa.gob.es/>; World Transplant Registry reports /Accessed 26 Jul 2023 <https://www.lamocloa.gob.es/>; Husain SA et al. Association Between Donor-Recipient Biological Relationship and Allograft Outcomes After Living Donor Kidney Transplant. JAMA Netw Open. 2021 Apr 1;4(4):e215718. doi: 10.1001/jamanetworkopen.2021.5718.; Ribeiro B et al. Greater Impact of Living Donation Than HLA Mismatching in Short-Term Renal Allograft Survival. Cureus. 2023 Jan 31;15(1): e34427. doi: 10.7759/cureus.34427; Gourlay W. Preemptive Kidney Transplantation: What's the Hold Up? Transplantation. 2018 Jul;102(7):1035-1036. doi: 10.1097/TP.0000000000002160; Boštjančič E, Večerić-Haler Ž, Kojc N. The Role of Immune-Related miRNAs in the Pathology of Kidney Transplantation. Biomolecules. 2021 Aug 12;11(8):1198. doi: 10.3390/biom11081198; de Boer SE. Kidney Transplantation Improves Health-Related Quality of Life in Older Recipients. Transpl Int. 2024 Apr 15;37:12071. doi: 10.3389/ti.2024.12071; Basile G, et al. Robotic kidney transplantation. Nat Rev Urol. 2024 Mar 13. doi: 10.1038/s41585-024-00865-z; Chesnaye NC. Differences in the epidemiology, management and outcomes of kidney disease in men and women. Nat Rev Nephrol. 2024 Jan;20(1):7-20. doi: 10.1038/s41581-023-00784-z.

University Medical Center, (New York, USA), Department of Medicine D, Division of General Internal Medicine, Nephrology, and Rheumatology, University Hospital Muenster (Muenster, Germany), Service de Réanimation Médicale, Hôpital de Hautepierre, Hôpitaux Universitaires de Strasbourg (France), Department of Urology, Rigshospitalet, Copenhagen University Hospital (Copenhagen, Denmark), Intensive Care Unit, Geneva University Hospitals (Geneva, Switzerland), Department of Renal Transplantation, Careggi University Hospital (Milan, Italy), Department of Surgical Sciences, Sapienza University of Rome, (Rome, Italy.), Imperial College School of Medicine, (London, UK), Centre for Evidence in Transplantation, Nuffield Department of Surgical Sciences, University of Oxford, (Oxford, UK), Department of Surgery and Cancer, Imperial College, (London, UK), Department of Internal Medicine, Hallym University College of Medicine (Seoul, South Korea), Translational Urology Institute Capital Medical University, Beijing You'an Hospital (Beijing, China), Department of Medicine, Hospital Selayang (Selangor, Malaysia), Department of Medicine, Ankara University School of Medicine (Ankara, Turkey), академик В.И.Шумаков номидаги Трансплантология ва сунъий органлар Федерал Давлат бюджет муассасаси (Москва, Россия), М. Ф. Владимирский номидаги МВИТКИ ДБМ (Москва, Россия), "А. Н. Сызганов номидаги миллий хирургия илмий маркази" АЖ (Олмаота, Қозоғистон Республикаси), "Минск хирургия, трансплантология ва гематология илмий-амалий маркази" ДМ (Минск, Беларус Республикаси), "академик В. Воҳидов номидаги РИХИАТМ" ДМ (Тошкент, Ўзбекистон), РШТЎИМ (Тошкент, Ўзбекистон) каби ташкилотларда амалга оширилмоқда.

Буйрак функциясини ҳар томонлама тиклашга технологик ёндашувларни такомиллаштириш орқали сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хил ечимлар таклиф қилинган, жумладан: ҳозирги вақтда мурдадан олинган органларнинг етишмаслиги туфайли тирик донорлардан трансплантацияни амалга оширилаётгани нафақат тезлашмоқда, балки барча меъзонларга кўра узок муддатли даврда яшовчанлик ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши бўйича мурдадан олинган органлар кўчириб ўтказишдан устунликка эга бўлиб қолмоқда (The International Registry of Organ Donation and Transplantation (IRODaT), The European Renal Association, World Transplant Registry, Organ Transplant); БТ да миниинвазив жарроҳлик истиқболлари аниқланган, чунки клиникаларнинг аксарияти тирик донордан буйракни олишда Лапароскопик технологиялардан фойдаланади ва роботлашган БТ тадбиқ этиш янги устувор вазифа саналади (Division of HPB and Transplant Surgery, Department of Surgery, Erasmus MC Transplant Institute, Rotterdam, the Netherlands); буйрак функциясини сақлашнинг сунъий усуллари орасида энг кўп ўрганилган гемодиализ бўлиб, у токсик бирикмаларни самарали тозалайди ва донор органни кутиш пайтида беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилади, трансплантациядан кейинги эрта ва кеч даврда трансплантатни хўжайин томонидан рад этилиши ёки дисфункцияни ривожланишида буйрак функциясини сақлашнинг ёрдамчи усули ҳисобланади ёки БТ га қарши

кўрсатма ёки юқори ҳавф мавжудлигида беморлар ҳаётини узайтиришнинг ягона йўли бўлиб хизмат қилади (Department of Nephrology, Dialysis and Hypertension, Edouard Herriot Hospital, Hospices Civils de Lyon, France); бирламчи гломерулонефрит буйрак трансплантациясидан кейин қайталаниши ва буйрак аллотрансплантатининг яшовчанлигига ҳавф туғдириши мумкинлиги исботланган, аммо бирламчи гломерулонефритнинг қайталаниши кўпинча қариндош бўлмаган донорликка нисбатан қариндош донорликда кузатилади ва рецидив беришига қарамадан қариндошлардан олинган буйрак яшовчанлиги сақланиши унинг афзаллигини кўрсатади (Division of Nephrology, Department of Medicine, University of Wisconsin School of Medicine and Public Health, Madison, United States of America); учта эҳтиёж айниқса шошилиш деб топилган: буйрак трансплантацияси учун сурункали буйрак касаллиги бўлган номзодларнинг кўп қиррали ва кўп омилли баҳолаш (яъни клиник/тиббий ва рухий-ижтимоий омилларни ўз ичига олган) учун келишилган стандартларни аниқлаш; сурункали буйрак касаллиги ва когнитив функциялар ўртасидаги сабабий боғлиқликни янада эмпирик текшириш ва буйрак трансплантациясидан кейин когнитив пасайишнинг мумкин бўлган қисман қайтарилишини янада эмпирик текшириш (Biogem Molecular Biology and Genetics Research Institute, Ariano Irpino, Italy); Нанотехнология органларнинг сақланишини яхшилаш, трансплантат функциясини баҳолаш, ишемик реперфузия шикастланишини енгиллаштириш ва иммуносупрессантлар учун дори етказиб беришни яхшилаш учун инновацион ечимларни таклиф қилиши исботланган, нанотехнология интеграцияси буйрак трансплантацияси натижаларини яхшилашга ваъда беради (Department of Nanomedicine & Shanghai Key Lab of Cell Engineering, Naval Medical University, Shanghai, China).

Ҳозирги вақтда дунёдаги энг долзарб жарроҳлик тадқиқотлари орган трансплантациясининг этик муаммоларини бартараф этиш, БТ нинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали буйрак трансплантациясини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича ишларни давом эттирмоқда. БТ билан турли хил клиник ҳолатларда терапевтик ва диагностика тактикаси масалаларига илмий ёндашувларнинг ноаниқлиги ва ўзгарувчанлиги ва БТ ни даволаш стратегиясини танлаш учун янги баҳолаш ўлчовлари ва алгоритмларининг пайдо бўлиши ушбу муаммони янги нуқтаи назардан ўрганишга имкон беради. Буйрак трансплантацияси натижалари сурункали диализга қараганда яхши: буйрак трансплантацияси реципиентларида ўлим даражаси ва юрак-қон томир ҳодисалари кўрсаткичи паст, шунингдек, ҳаёт сифати яхшироқ, аммо кутиш рўйхатида кутиш вақти муҳим ўрин эгаллайди. Вафот этган донордан буйракни кутиш пайтида диализдаги вақт буйрак трансплантациясидан кейинги натижалар учун кучли бевосита ҳавф омилidir. Кутиш рўйхатида кутиш вақтида бўлган вафот этган донорлардан буйрак олувчи реципиентлар <6 ой давомида диализда бўлиши кутиш рўйхатида кутиш вақтида бўлган тирик донорлардан буйрак олувчи реципиентларни >2 йил муддатда диализда бўлишига трансплантатнинг яшовчанлик муддати эквиваленти ҳисобланади. 2021 йилда 12000 дан ортик

одам буйрак трансплантацияси учун ≥ 5 йил муддат давомида кутиш рўйхатида бўлган. Донор буйракларига бўлган талаб ва уларнинг аллотрансплантация учун мавжудлиги ўртасидаги тафовут кенгайишда давом этар экан, барқарор, етарли ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш учун муқобил стратегиялар зарурдир. Клиник қўлланилиш йўналиши бўйича тобора кучайиб бораётган стратегия чўчка буйрагини одамга ксенотрансплантация қилишдир. Ушбу клиник жиҳатларни кейинги тадқиқотлар, шубҳасиз, БТ ни жарроҳлик даволаш имкониятлари ҳақидаги ҳозирги тушунчасини яхшилайти ва диагностика алгоритми ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштиришга имкон беради.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Бугунги кунга келиб, тирик донордан олинган БТ ва унинг буйрак касаллигининг терминал босқичида бўлган беморлар учун биринчи навбатда тан олинishi кўп мунозараларга сабаб бўлмайди. Бироқ, трансплантация ва беморнинг яшовчанлиги билан боғлиқ ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд бўлиб, уларга трансплантациядан олдинги даврда ҳам кўплаб ўзаро боғлиқ омиллар (донорнинг ҳисобланадиган коптокчалар филтрацияси тезлиги - хКФТ, донор тури, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, реципиентда HCV инфекцияси, иммуносупрессия тури ва бошқалар.)⁵ ва трансплантациядан кейинги даврда (урологик асоратлар; кўчириб ўтказилган органнинг хўжайин томонидан рад этилиши, инфекция, вирусли нефропатия, трансплантациядан кейинги қандли диабет, саратон инвазияси, буйрак интерстициал фибрози ва бошқалар)⁶, шунингдек қариндошлик даражаси, антропометрик кўрсаткичлар, HLA ва ABO тизимлари ва бошқалар ўртасидаги номувофиқлик омиллари таъсир қилади ва тирик донордан буйрак кўчириб ўтказиш кўплаб мунозарали масалаларни ва даволаниш натижаларини батафсил баҳолаш меъзонларини келтириб чиқаради⁷. Клиник БТ да янги имкониятлар ва муаммоларни аниқлаш билан боғлиқ наشرлар қизиқиш уйғотади. Таъкидланишича, сўнгги 20 йил ичида БТ да сезиларли ютуқларга эришилди. Урғу уни минималлаштиришга эмас, балки кучлироқ иммунотерапиядан фойдаланишга берилди. Инфекция билан боғлиқ асоратларнинг роли ва унинг олдини олиш ва даволаш усуллари тан олинishi аниқланди. Энг катта ўзгариш трансплантация пайтида донор-специфик антитаналарни скрининг қилиш амалиётидир, чунки келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ёки улар юзага келганда бартараф этиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, жаҳон амалиётида турли стратегиялар тақдим этилган. Шундай қилиб, MA Lim, RD. Bloom (2023) буйрак трансплантацияси яшовчанлигини максимал даражада оширишда қуйидагиларни қўллашни талаб қилади: иммуносупрессияни индивидуал беморга мослаштириш стратегияси; фокал сегментар гломерулосклероз ҳақида маълумот, мембранали нефропатия, комплемент воситачилигидаги

⁵Nino-Torres L et al. Risk Factors for Urologic Complications After Kidney Transplantation and Impact in Graft Survival. Res Rep Urol. 2022 Sep 28; 14:327-337. doi: 10.2147/RRU.S371851.

⁶Lu H et al. Analysis of risk factors for impaired wound healing after kidney transplantation. Int Wound J. 2023 Jan;20(1):140-144. doi: 10.1111/iwj.13848.

⁷Pillgram-Larsen J, Tonnessen T. Kidney transplantation and prognostic factors for survival. Tidsskr Nor Laegeforen. 2022 Feb 14;142(3). Norwegian. doi: 10.4045/tidsskr.22. 0063.

буйрак ҳақидаги маълумотлар; аллотрансплантатнинг аста-секинлик билан шикастланишида ёндашув⁸. Сўнги ўн йилликларда сурункали буйрак касаллиги (СБК) бўлган беморларда ўлим даражаси ошди. Global Burden of Disease (GBD) 2013 йилги тадқиқоти шуни кўрсатдики, ёш бўйича умумий стандартлаштирилган ўлим кўсаткичи 1990 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда 80% га камайган бўлсада, СБК билан боғлиқ ёш бўйича стандартлаштирилган ўлим кўсаткичи 36.9% га ошган. Бинобарин, СБК 2013 йилда дунёда ўлим ва ногиронликнинг етакчи сабаблари орасида 36-ўриндан 19-ўринга кўтарилди, айниқса СБК кенг тарқалган: лотин Америкаси, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё, Океания, Шимолий Африка ва яқин Шарқ каби минтақаларда⁹. Барча ёшдагилар орасида СБК билан боғлиқ ўлимнинг тарқалиши 1990-2017 йиллар оралиғида 41.5% га ошди. СБК, шунингдек, буйрак етишмовчилигини даволаш билан боғлиқ юқори харажатларга эга бўлган 50 ва ундан катта ёшдаги одамлар учун ногиронлик бўйича ҳаётни йўқотишнинг ўнта сабабларидан бирига айланди. Ушбу ўсиб бораётган тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, СБК 2040 йилга келиб ҳаётни йўқотишнинг бешинчи сабабига айланиши тахмин қилинмоқда¹⁰. СБК беморларида ҳавф ва ўлим тенденциялари тўғрисида глобал маълумотлар тармоқлар бўйича чекланган. Сўнги йиллардаги воқеалар, шу жумладан COVID-19 пандемияси, СБК билан яшовчи, диализдаги ёки трансплантация қилинган беморлар орасида ўлим хавфининг хавфли даражасига олиб келди. COVID-19 буйрак трансплантацияси натижаларига ва буйрак трансплантацияси реципиентлари орасида ўлим кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатди¹¹. Йиллар давомида беморлар учун ҳам, трансплантациядан кейин трансплантат натижаларини яхшилашда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Замонавий иммуносупрессив терапия кўчириб ўтказилган органнинг хўжайин томонидан ўткир рад этилиши ҳолатларини камайтирди ва трансплантациянинг қисқа ва узоқ муддатли яшовчанлигининг яхши натижаларига олиб келди. Вафот этган донорларда ўлимнинг сабаби, аъзони олиш ва сақлаш жараёнлари, совуқ ишемия вақти, буйрак анастомозигача бўлган вақт, ишемик-реперфузион жароҳат, трансплантация вақтида реципиентнинг иммунологик жавоб реакцияси, иммуносупрессив дориларнинг токсиклиги ва бошланғич касалликнинг қайталаниши трансплантатнинг яшовчанлигига таъсир этиши аниқланган. Комплемент тизимининг иштироки ва буйрак трансплантацияси пайтида унинг фаоллашиши трансплантациянинг узоқ муддатли

⁸Lim MA, Bloom RD. How to maximize graft survival. *Curr Opin Organ Transplant*. 2023 Feb 1;28(1):55-63. doi: 10.1097/MOT.0000000000001039.

⁹Tungsanga S, Ghimire A, Bello AK. Global trends in chronic kidney disease-related mortality: a systematic review protocol. *BMJ Open*. 2024 Apr 3;14(4):e078485. doi: 10.1136/bmjopen-2023-078485.

¹⁰Foreman KJ, Marquez N, Dolgert A, et al. Forecasting life expectancy, years of life lost, and all-cause and cause-specific mortality for 250 causes of death: reference and alternative scenarios for 2016-40 for 195 countries and territories. *Lancet* 2018;392:2052–90. 10.1016/S0140-6736(18)31694-5

¹¹Tannor EK, Bajpai D, Nlandu YM, Wijewickrama E. COVID-19 and Kidney Disease: Progress in Health Inequity From Low-Income Settings. *Semin Nephrol*. 2022 Sep; 42(5):151318. doi: 10.1016/j.semnephrol.2023.151318.

яшовчанлигига таъсир қилувчи асосий омил сифатида тобора кўпроқ тан олинмоқда¹².

Жисмоний фаоллик даражаси каби турмуш тарзи омиллари кортикостероидларнинг паст дозаси билан биргаликда Moreau K. et al. (2021) ҳисоблашича, буйрак трансплантациясидан кейин тана хужайралари массасини тиклаш билан тана таркиби эволюциясига таъсир қилади¹³. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ ҳаёт сифати (HRQOL) буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида бўлган беморларда натижанинг муҳим кўрсаткичидир. HRQOL буйрак трансплантациясида яхшиданади, шунингдек анъанавий гемодиализ билан таққослаганда тунги гемодиализ билан яхшиланиши кузатилади. Jansz T.T., et al. HRQOL ни буйрак трансплантацияси ўтказган ва бир йил давомида тунги гемодиализ билан даволанган беморлар ўртасида таққослади. Буйрак трансплантациясидан сўнг HRQOL тунги гемодиализга нисбатан "буйрак касаллиги асоратлари" соҳасида айниқса юқори. Бу трансплантацияни танлаши мумкин бўлган тунги гемодиализдаги беморларга маслаҳат беришда фойдали бўлиши мумкин¹⁴.

Трансплантация ва дастурий гемодиализнинг назарий жиҳатлари, замонавий диагностика ва даволаш усуллари бўйича адабиётларни таҳлил қилиш СБК ни эрта аниқлаш ва ҳар томонлама даволашга қаратилган бўлиб, трансплантация учун кўрсатмаларни танлаш ва касалликнинг кечишини башорат қилиш ва мониторинг тизимлари мунозарали бўлиб қолмоқда. Узоқ муддатли башорат учун жарроҳликнинг энг оқилона усулини танлаш яқин қариндошлар ўртасидаги трансплантациянинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда трансплантология ривожланишининг ноёб тарихи кучли методологик асос шакллантириб, ўзининг илмий-амалий салоҳиятини яратди, иккинчи томондан, ҳуқуқий асоснинг яратилиши ва Янги Ўзбекистоннинг истиқболлари нафақат кейинги ривожланишга кучли туртки берди, балки буйрак трансплантациясини мамлакатимиздаги устувор йўналишлардан бирига айлантirdи. Сўнгги йилларда мамлакатимизда БТ соҳасида эришилган ютуқларга қарамай, клиник тиббиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш, шубҳасиз, ихтисослаштирилган бўлимларнинг мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлашга, ўзининг илмий ва клиник мактабини такомиллаштиришга қаратилган янада катта саъйи-ҳаракатларни талаб қилади. Шундай қилиб, БТ технологияларининг ривожланиши, иммунологиянинг замонавий ютуқлари, органларни сунъий алмаштириш декомпенсацияланган буйрак касалликлари билан оғриган беморларни даволаш муаммосини янги нуқтаи назардан ўрганишга имкон беради.

¹²Kamel M.H., Francis J. The Complement System in the Modern Era of Kidney Transplantation: Mechanisms of Injury and Targeted Therapies. *Semin Nephrol.* 2022 Jan;42(1):14-28. doi: 10.1016/j.semnephrol.2022.01.006.

¹³Moreau K., Desseix A., Germain C., Merville P., Couzi L., Thiébaud R., Chauveau P. Evolution of body composition following successful kidney transplantation is strongly influenced by physical activity: results of the CORPOS study. *BMC Nephrol.* 2021 Jan 18;22(1):31. doi: 10.1186/s12882-020-02214-9.

¹⁴Jansz T.T., Bonenkamp A.A., Boereboom F.T.J., van Reekum F.E., Verhaar M.C., van Jaarsveld B.C. Health-related quality of life compared between kidney transplantation and nocturnal hemodialysis. *PLoS One.* 2018 Sep 20;13(9):e0204405. doi: 10.1371/journal.pone.0204405.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган илмий-амалий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши РИХИАТМ ДМ да “Яқин қариндошлар ўртасидаги буйрак трансплантацияси амалиётининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини башорат қилувчи контцептуал асослар” (2010-2023) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни даволаш натижаларини тирик қариндош донордан буйрак трансплантациясидан кейин яшовчанликни башорат қилиш учун табақалаштирувчи омиллар ёрдамида яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларида буйрак патологияси ва СБЕ нинг янги аниқланган ва умумий касалланишининг интенсив кўрсаткичи динамикасини ўрганиш;

сўнги 5 йил ичида БТ сонининг динамикасини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикасида қариндошлар ўртасидаги трансплантацияга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

тирик қариндош донордан БТ нинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш;

Ўзбекистонда пандемия даврида COVID-19 инфекциясининг буйрак трансплантацияси реципиентларининг яшовчанлигига таъсирини ўрганиш;

трансплантациядан олдинги ва кейинги турли омилларга қараб, қариндош донордан БТ дан кейин трансплантатнинг ва реципиентларнинг қисқа ва узоқ муддатли кумулятив яшовчанлигини табақалаштирилган таҳлилни ўтказиш;

тирик қариндош донордан кўчириб ўтказилган буйрак аллотрансплантатини хўжайин томонидан рад этилишининг прогностик иммунологик башоратчиларини аниқлаш;

турли демографик, психологик, экологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда, тирик қариндош донордан БТ дан кейин реципиентларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

тирик қариндош донордан кўчириб ўтказилган буйрак реципиентларининг клиник кечишини башорат қилишда ацетилланиш фенотипининг қийматини аниқлаш;

буйрак трансплантацияси босқичларида терапевтик ва профилактик чоралари мажмуасини ишлаб чиқиш ва патогенетик асослаш;

Тадқиқотнинг объекти: 2010 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда "академик В. Воҳидов номидаги РИХИАТМ" ДМ да буйрак трансплантацияси ўтказган, сурункали буйрак касаллиги билан оғриган 789 бемор киритилган.

Тадқиқотнинг предмети буйрак трансплантациясида турли хил асоратларнинг асосий сабабларининг омил таҳлилидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: умумий клиник, инструментал, иммунологик, иммунокимёвий (генотипик HLA типини аниқлаш, Cross-Match тестлари, ацетилланиш фенотипи), статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

трансплантатни ўткир рад этилишининг тез ривожланиши билан ўпканинг жиддий шикастланишининг юқори эҳтимолиги билан характерланадиган буйрак трансплантациясини ўтказган беморларнинг клиник кечишига COVID-19 инфекцияси таъсирининг патогномоник хусусиятлари аниқланган;

SARS-CoV-2 нинг аллотрансплантатга бевосита цитопатик таъсири, эндотелиит фонида трансплантатнинг ўткир рад этилишининг морфологик белгилари (қон томир типи) ва найча эпителийлари таркибида катта гиперхром ядроли эпителий хужайралари мавжудлиги билан исботланган;

сурункали буйрак етишмовчилигининг сўнгги босқичида бўлган беморларда трансплантатнинг яшовчанлигининг прогностик мезонларини текшириш билан яқин ва узоқ муддатли трансплантациядан кейинги даврнинг ўзига хос асоратлари шаклланиши ва ривожланишининг клиник ва иммунологик хусусиятлари аниқланган;

реципиентларнинг ва трансплантатнинг яқин ва узоқ муддатли кумулятив яшовчанлигига таъсир қилувчи, тирик қариндош донордан кўчириб ўтказилган буйрак трансплантати рад этилишига олиб келувчи трансплантациядан олдинги ва кейинги асосий хавф омиллари аниқланган;

буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш билан боғлиқ ҳолда ацетилланиш фенотипини қўллашнинг клиник жиҳатлари донор ва реципиентларнинг ацетилланиш ҳолати ва трансплантат функцияси, рад этилиш хавфи ва иммуносупрессив протоколни танлаш ўртасидаги аниқланган боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак етишмовчилигининг сўнгги босқичидаги беморларни Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда гемодиализ ва шу билан боғлиқ буйрак трансплантациясига мувофиқ таъминлаш учун ҳисобланган қийматлар аниқланган;

қариндош донордан буйрак трансплантациясида бошқарув протоколлари ва жарроҳлик амалиётида амалга оширилган ўзгаришларнинг юқори самарадорлиги исботланган, бу операция натижаларини яхшилаш ва реципиентларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берган;

буйрак трансплантацияси ўтказган, COVID-19 билан оғриган беморларни қўшимча тадқиқ қилиш ва текширишнинг зарурияти, вируснинг трансплантация қилинган органга таъсирини ва асоратларни даволаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган стратегияларни яхшироқ тушуниш учун кўрсатилган;

буйрак трансплантациясидан кейин трансплантат ва реципиентнинг яшовчанлигига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган, бу эса ҳавфларни яхшироқ баҳолаш ва беморларнинг ушбу гуруҳига индивидуал парвариш ва даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради;

буйрак трансплантациясидан кейин реципиентларнинг ҳаёт сифатини баҳолашнинг аҳамияти ва уларнинг фаровонлигини яхшилаш бўйича чора-

тадбирларни режалаштиришда турли омилларни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатилган;

донор ва реципиентнинг ацетилланиш фенотипини, СҮРЗА5 генотипини ва гломеруляр филтрация тезлигини ҳисобга олган ҳолда, хавфни паст, ўрта ёки юқори деб таснифлашга имкон берадиган буйрак трансплантациясидан кейинги асоратлар ҳавфини башорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари замонавий илмий ва амалий тушунчалар ва БТ га ёндашувлар билан асосланган. Тадқиқот ишидаги хулосалар Студент меъзонлари ва ишонч интерваллари ва ишонч эҳтимолларини ҳисоблаш билан вариацион таҳлил каби математик статистиканинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда қайта ишланган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган қоидалар, хулосалар ва таклифлар турли хил башорат қилувчиларга қараб, мумкин бўлган асоратлар ва реципиентнинг ацетилланиш ҳолати ва тирик қариндошдан олинган буйрак трансплантациясидан кейин асоратлар хавфини башорат қилишнинг ишлаб чиқилган усули, бу хавфни баҳолаш ва камайтиришга имкон берадиган бир қатор асосий параметрларни ҳисобга олган ҳолда трансплантациядан кейинги турли даврларда буйрак трансплантатининг яшовчанлиги ҳақидаги мавжуд ғояларни ишлаб чиқиш ва кенгайтиришга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида тактик ва техник жиҳатлар оптималлаштирилган ва сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида бўлган беморларда ацетилланиш фенотипига қараб табақалаштирилган ёндашув стандартлаштирилган, жарроҳлик натижаларига таъсир қилувчи сабабий муносабатлар аниқланган, беморларни ташхис қўйиш ва буйрак трансплантациясига тайёрлаш протоколлари оптималлаштирилган, бу операциядан кейинги бевосита ва узоқ муддатли даврда умумий ўлим ва асоратлар кўрсаткичларини камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак етишмовчилигининг сўнги босқичида бўлган беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли жарроҳлик ёрдами сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: трансплантатни ўткир рад этилишининг тез ривожланиши билан ўпканинг жиддий шикастланишининг юқори эҳтимолиги билан характерланадиган буйрак трансплантациясини ўтказган беморларнинг клиник кечишига COVID-19 инфекцияси таъсирининг патогномоник хусусиятлари аниқланган - академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №1х/19-сонли); Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номи кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 25 апрелдаги №166/1 сонли буйруғи) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 24 апрелдаги №127а сонли буйруғи)

буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/37-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: амбулатория шароитида даволанган беморларда ўпка шикастланишининг ўртача фоизи 13-20% ни ташкил қилди; стационар даволаниш учун касалхонага ётқизилган беморларда ўпканинг шикастланиш фоизи ўртача 51% ни, реанимация бўлимида даволанган беморларда ўпканинг шикастланиши 70% дан ортиқни ташкил қилди. COVID-19 инфекцияси клиник маълумотлари ва текширувлар натижалари ёрдамида ўпканинг шикастланиш ҳажмига, касалликнинг оғирлигига ва фаоллик жараёнининг даражасига асосланиб, беморларга тиббиёт муолажалари белгиланди. COVID-19 инфекцияси билан оғриган беморларни оғирлик даражасини баҳолаб, трансплантат фаолияти бузилишининг олдини олиш қониқарли даволаш натижаларига ва ўткир пневмония билан касалланиш ва ўлимни, шу билан бирга ногиронликни камайтиришга имкон берди. Иқтисодий самарадорлиги: асоратланган COVID-19 инфекцияси билан оғриган беморларни даволаш учун кўпроқ харажатлар талаб этилади: бир беморга 1 кунлик стационар бўлимларда ётиш 950 000 сўм, хусусан, 15 нафарга ўртача 18 кун ётиши 256 000 000 сумни ташкил қилди. COVID-19 инфекцияси енгил ва ўрта оғир даражада кечувчи беморлар; интенсив терапияга мухтож бўлмаган беморларда эса уй шароитида даволанишлари учун 420 000 сўмни, яъни 15 беморга ўртача 6 300 000 сум сарфланишига олиб келди. Демак, 250 200 000 сумни тежаб қолишга эришилди. Хулоса: асоратланган COVID-19 инфекциясини даволаш учун пневмониянинг олдини олиш ва реанимацияда даволанадиган беморларнинг сонини қисқартириш ҳисобига 190 350 000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: SARS-CoV-2 нинг аллотрансплантатга бевосита цитопатик таъсири, эндотелиит фониди трансплантатнинг ўткир рад этилишининг морфологик белгилари (қон томир типи) ва найча эпителийлари таркибида катта гиперхром ядроли эпителий ҳужайралари мавжудлиги билан исботланган - академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №1х/19-сонли); Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номи кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 25 апрелдаги №166/1 сонли буйруғи) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 24 апрелдаги №127а сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/37-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пандемия авжида (2019-2021 йилларда) тирик қариндош донордан жами 320 та буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилди. Операциядан кейинги даврда COVID-19 пневмонияси билан касалланганлар сони 228 нафарни ташкил қилди. Операциядан олдинги босқичда COVID-19 билан касалланган 40 нафар бемор (пандемия давридаги беморлар сонининг 12,5 фоизи) муваффақиятли даволанди ва кейинги буйрак трансплантациясига тайёрланган. Ушбу тадқиқотда SARS-CoV-2 нинг аллотрансплантатга бевосита цитопатик таъсир кўрсатганлиги аниқланган. 15 нафар беморда ҳар хил даражадаги буйрак трансплантатида рад этилиш белгилари кузатилди,

барча ҳолатларда ўзига хос даволаниш талаб қилинди. 13 беморда қоникарли натижага эришилди. Икки ҳолатда даволаш диализ билан давом эттирилди. SARS-CoV-2 натижасида буйрак трансплантатининг рад этилиши кўзатилганда беморларга биопсия муолажасини қилиш зарурияти туғилди. COVID-19 ўтказган беморларда (кўкрак қафаси МСКТ, Covid-19 IgM ва IgG, Д-Димер, Ферритин, УҚТ, биокимёвий таҳлил, Коагулограмма, Прокальцитонин, СРБ, Интерлейкин-6) текширувлари ҳамда кўрсатмага асосан биопсия муолажаси орқали оғир асоратларни олдини олишга, зотилжам ва буйракнинг ўткир рад этилишини аниқлашга имконият берган. Шу хулосалар асосида беморларга самарали муолажалар қилинди. Иқтисодий самарадорлиги: буйрак трансплантатида рад этилиш кўзатилган 15 нафар беморда шифохонада даволаниш даври ўртача 18 кунни ташкил қилди. Бир кунлик харажат эса (ётоқ куни, дори дармон, текширувлар) 650 000 сумни ташкил қилди. Бу эса жами 175 500 000 сумга тенг бўлди. Буйрак трансплантатининг рад этилишини эрта аниқланган II гуруҳ беморларда кунлик харажатлари 550 000 сумни ташкил қилиб, даволаниш даври 10 кунга тенг бўлди. Бу кўрсаткич 15 нафар беморда жами 82 500 000 сумни ташкил қилди. Хулоса: Асоратсиз Covid-19 инфекцияси билан касалланган беморларда буйрак трансплантатини яшовчанлигини узайтириш имкони купайди ва даволаниш даврини қисқартиришга эришилди. Замонавий текширув ва даволаш усуллари амалиётга жорий этилиши натижасида бир бемор учун 100 000 сўм иқтисод қилинди, бунинг натижасида бюджет маблағларидан 93 000 000 сўм тежалди.

учинчи илмий янгилик: сурункали буйрак етишмовчилигининг сўнгги босқичида бўлган беморларда трансплантатнинг яшовчанлигининг прогностик мезонларини текшириш билан яқин ва узоқ муддатли трансплантациядан кейинги даврнинг ўзига хос асоратлари шаклланиши ва ривожланишининг клиник ва иммунологик хусусиятлари аниқланган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №1х/19-сонли); Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номи кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 25 апрелдаги №166/1 сонли буйруғи) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 24 апрелдаги №127а сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/37-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тавсиялар бажарилганда трансплантация билан боғлиқ асоратларнинг кўрсаткичлари камайди, бошқа турдаги асоратлар эса тахминан бир хил даражада қолди. Тадқиқот қилинган протоколлар ёрдамида беморларда буйрак трансплантациясидан кейинги даврда посттрансплантацион қандли диабет, хар хил инфекцион касалликлари ва бошқа хавф омилларини аниқлашга, шунинг натижасида буйрак трансплантатининг яшовчанлигини узайтиришга олиб келди. Энг кўп учрайдиган узоқ муддатли асоратлар трансплантациядан кейинги қандли диабет (20,5%), трансплантацияни сурункали рад этилиши (19,0%), диспептик касалликлар (10,2%) ва ўпка асоратлари хисобланган. Трансплантациянинг узоқ муддатида

"трансплантациядан кейинги инфекция билан" беморлар гуруҳида яшовчанлик 96,2% ва "трансплантациядан кейинги инфекция ривожланмаган" гуруҳида 98,4% ни ташкил қилди. "Посттрансплантацион қандли диабет ривожланган" беморлар гуруҳида яшовчанлик 97,3% ва "Посттрансплантацион қандли диабетсиз" беморлар гуруҳида 98,1% ни ташкил қилди. Трансплантациядан олдинги диализнинг давомийлиги ҳам буйрак трансплантациядан кейинги даврда реципиентнинг яшовчанлигига катта аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Шуниси эътиборга лойикки, қисқа вақт оралиғида 12 ойдан кам вақт давомида диализ олиб юрган беморлар гуруҳида яшовчанлик кўрсаткичи 12 ойдан ортиқ диализ олиб юрганлар гуруҳига нисбатан 97,5% - 95,1% ни ташкил қилди. Иқтисодий самарадорлиги: бу тадқиқот натижасида беморларнинг даволанишга сафрланган маблағлари аниқланди. Беморларнинг барчаси юқумли асоратларга мойил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳолатларнинг олдини олиш, асоратларни даволаш харажатларни сезиларли даражада тежашга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, посттрансплантацион қандли диабет ривожланган ва унинг натижасида инфекцион асоратлар кўзатилган 10 нафар беморда стационар даволаниш даври 13 кунни ташкил қилган. Бир бемор учун бу уртача 7 150 000 сўм; 10 нафарга эса 71 500 000 сум сарфланган. Инфекцион асоратларни олдини олиш ҳисобига асоратлар кўзатилмаган беморларда ётоқ куни 5 кунга қисқариб, бир бемор учун стационарда даволаниш 3 600 000 сумни; 10 нафар беморга тахминан 36 000 000 сўмни ташкил қилди. Бу ўз вақтида бир бемор учун 3 550 000 сумни тежаб қолди. Хулоса: асоратларни олдини олишга қаратилган тадқиқот натижаларини амалга ошириш беморларнинг тиббий муассасаларда даволаш давомийлигини ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни сезиларли даражада қисқартириши мумкин. Хар бир бемор учун касалхонага ётқизиш вақтини ўртача 5 кунга қисқартириш бир бемор учун 3 550 000 сумни тежаб қолиш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: реципиентларнинг ва трансплантатнинг яқин ва узоқ муддатли кумулятив яшовчанлигига таъсир қилувчи, тирик қариндош донордан кўчириб ўтказилган буйрак трансплантати рад этилишига олиб келувчи трансплантациядан олдинги ва кейинги асосий хавф омиллари аниқланган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №1х/19-сонли); Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номи кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 25 апрелдаги №166/1 сонли буйруғи) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 24 апрелдаги №127а сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/37-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижасида икки вақт оралиғида (2010-2018 ва 2019-2023 йиллар) тирик донордан буйрак трансплантацияси амалиётидан кейинги яқин ва узоқ муддатли асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари бўйича умумий маълумотлар келтирилган. Иккинчи даврдаги беморларда (2019-2023) эрта муддатли асоратлар даражаси 34,4% дан 29,4% гача камайган. Узоқ муддатли даврда асоратлари бўлган беморларнинг кўрсаткичлари ҳам иккинчи даврда 68,2%

дан 56,3% гача камайди. Такдим этилган тадқиқот трансплантациядан олдинги асосий ва ихтисослаштирилган текшириш алгоритмини белгилаш, потенциал хавф омилларини аниқлаш учун муносиб диагностика услубларини танлаш-буйрак трансплантатининг функционал ҳолатини туғри баҳолашга ёрдам берди. Бу ўз ўрнида беморларнинг соғлом турмуш тарзи устига муносиб омил бўлди. Иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижасида икки гуруҳ беморлар назорат қилинди. Биринчи гуруҳга буйрак трансплантатининг рад этилиши кўзатирилган беморлар; иккинчи гуруҳга буйрак трансплантатининг рад этилишига юқори хавф омиллари мавжуд бўлган беморлар киритилди. Буйрак трансплантати рад этилишини башорат қилувчи тахлиллар (пешоб тахлилида микроальбумин, Цистатин С, Иммунограмма, СҮРЗА5 ва бошқалар) текширувлари ҳамда кўрсатмага асосан биопсия муолажаси буйрак рад этилишини эрта аниқлашга ва оғир асоратларни олдини олишга имконият берган. Биринчи гуруҳда 35 нафар беморлар 13 кун даволаниб, бир кунлик шифохонада сарфланган маблағлар (стационар ётоқ куни, иммуносупрессив дорилар, плазмаферез, зарур ҳолатда гемодиализ) 7 600 000 сумни ташкил қилган. Иккинчи гуруҳ беморлар - 35 нафар беморда шифохонада уртача 7 кун даволаниб, бир беморда 1 кунлик харажатлар 850 000 сумни ташкил қилган. Бу ўз вақтида беморларни ётоқ кунлари 6 кунга қисқаргани, ҳамда битта бемордан 6 750 000 сумни тежашга имкон берди. Хулоса: буйрак трансплантациясидан кейинги беморларда такомиллаштирилган замонавий текширув ва даволаш усулларини амалиётга жорий этилиши натижасида 6 750 000 сум иқтисод қилинди. Шунда бир беморга 1 кунлик даволаниш учун бюджет маблағларидан 1 800 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 4 950 000 сўмни тежаш имконини берди.

бешинчи илмий янгилик: буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш билан боғлиқ ҳолда ацетилланиш фенотипини қўллашнинг клиник жиҳатлари донор ва реципиентларнинг ацетилланиш ҳолати ва трансплантат функцияси, рад этилиш хавфи ва иммуносупрессив протоколни танлаш ўртасидаги аниқланган боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда очиб берилган - академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ (2024 йил 10 майдаги №1х/19-сонли); Қорақалпоғистон Республикаси У.Халмуратов номли кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 25 апрелдаги №166/1 сонли буйруғи) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2024 йил 24 апрелдаги №127а сонли буйруғи) буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/37-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган текширув алгоритми жорий этилиши натижасида инновацион усул сифатида ишлаб чиқилган буйрак трансплантациясидан кейинги асоратлар хавфини башорат қилиш усули бир қатор асосий параметрлар, шу жумладан донор ва реципиентнинг ацетиллятор статуси, коптокчалар фильтрацияси тезлигини инобатга олади ва операциядан кейинги асоратлар хавфини баҳолашга имкон берди, уни паст, ўрта ва юқори даражаларга классификация қилинди. Тез ФАЦ бўлган реципиентлар ўртасида трансплантат функцияси 95,7% (23 тадан 22 таси)да тез муддатда нормага келган, 4,3% да (23 тадан 1 таси) кечиктирилган

трансплантат функцияси ва 21,7% (23 тадан 5 таси) да ўткир рад этилиш кузатилган. Секин ФАЦ бўлган реципиентлар ўртасида трансплантат функцияси 37,5% (16 тадан 6 таси) да тез муддатда нормага келган ва кечиктирилган функцияси 62,5% (16 тадан 10 та)да кузатилган. Ўткир рад этилиш ҳолатлари бўлмаган. Натижаларимиз шуни кўрсатадики, реципиентдаги тез ацетилатор ҳолати трансплантация қилинган буйрак функциясини тезроқ нормаллаштиришга ёрдам берди, аммо узоқ даврда буйрак рад этилиши хавфи юқорилигини кўрсатди. Секин ацетилаторлик ҳолати кузатилган реципиентларда буйрак ишлаш фаолияти секинроқ тикланди, аммо кечиктирилган буйрак трансплантати функцияси ҳолати кузатилмади. Шунини таъкидлаш керакки, бу боғлиқликлар донорнинг ацетилатор ҳолатига ҳам боғлиқ эди. Иқтисодий самарадорлиги: биринчи гуруҳ тез ФАЦ бўлган реципиентлар ўртасида буйрак трансплантацияси ўтказган ҳар бир реципиент учун ўртача молиявий харажат 100 059 000 сўмни ташкил этиши аниқланди. Ушбу кўрсаткич, иккинчи гуруҳ секин ФАЦ реципиентларда даволаниш учун 60 200 000 сўмга тенг бўлди. Олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, трансплантатнинг операциядан кейинги яшовчанлигига таъсир қилувчи салбий омилларни бартараф этиш учун қўлланиладиган усуллар самарадорлиги таҳлили шуни кўрсатадики, ўтказилган даволашнинг салбий натижалари коэффиценти тадқиқот гуруҳлари иштирокчиларининг эквивалент сонини ҳисобга олган ҳолда, I гуруҳ ва II гуруҳ ўртасидаги умумий харажатларни қисқартирди. Иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китобларининг якуний натижаларига кўра, ушбу гуруҳ иштирокчилари орасида трансплантатнинг яшовчанлигига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни ҳисобга олиш ва олдини олишдаги потенциал фойда бигга реципиент учун 39 859 000 сўмни ташкил этди. Хулоса: Илмий тадқиқот буйрак трансплантатида ацетилатор ҳолатининг ролини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу натижалар буйрак трансплантациясидан кейинги асоратларнинг олдини олиш ва даволашни оптималлаштиришга ёрдам берди, бу эса ушбу турдаги жарроҳлик натижаларини яхшилаш учун муҳим клиник аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, тадқиқот иштирокчиларининг таҳлили натижаларидан аниқланган трансплантатнинг яшовчанлигини пасайтирувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш 39 859 000 сўмни тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

